

**АБДУРАҲИМ ЮСУФЗОДА ВА БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ
РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ РИВОЖЛАНИШИ**

Давлетов Дилмурод Давлетович

E-mail: dimadavlet1@gmail.com

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Прокурорлик
фаолияти мутахассислиги II босқич магистранти*

Аннотация. Мазкур мақолада 1920 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳудудида олиб борилган суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура органларининг ташкил этилиши, миллий прокурор раҳбарлар ҳақида қисқача баён этилган.

Калит сўзлар: Туркистон АССР, Бухоро Халқ Совет Республикаси, прокуратура, Бухоро муваққат инқилобий кўмитаси, Халқ Нозирлар Шўроси, БХСР Конституцияси, “Таниз маҳкамаси”.

Бизга маълумки, Россияда рўй берган 1917 йилдаги октябрь инқилобининг оқибатлари Бухоро ва Хоразм ҳудудларини ҳам четлаб ўтмади.

Ҳусусан, 1920 йилнинг 2 сентябрь куни Бухородаги амир ҳокимияти қизил армия томонидан ағдарилганидан сўнг, ўлкада ТАССР шаклидаги давлат шакллантириш ишлари олиб борилди. 1920 йил 14 сентябрда Халқ Нозирлар Шўроси, Бухоро муваққат инқилобий кўмитаси ва Бухоро Компартияси МК нинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 9 кишидан иборат Абдуқодир Муҳиддинов раислигида Бутунбухоро инқилобий кўмитаси ва 11 кишидан иборат республика ҳукумати – Файзулла Хўжаев раислигидаги Халқ Нозирлар Шўроси тузилди.¹ 1920 йилнинг 6-8 октябр кунлари Бухородаги Ситораи Моҳи Хосада Бутунбухоро халқ вакилларининг I курултойи чақирилиб, унда **Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)** тузилганлиги эълон қилинди. Бу республика давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти эди. Курултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро инқилобий кўмитаси ва дастлабки ҳукумат таркиби бўлган Бухоро Халқ нозирлар Шўросини ўзил-кесил тасдиқлади. 1921 йил 18-23 сентябрда Бутунбухоро халқ вакилларининг II курултойи бўлиб ўтди ва унда **БХСР Конституцияси** қабул қилинган бўлиб, ушбу конституция БХСР ҳудудида яшовчи барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқлар берди. Конституцияга кўра, БХСРнинг олий органи – Бутунбухоро халқ вакиллари курултойи бўлиб, у ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган

¹ Б.Эшов, «Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи», Тошкент-2012. <https://shosh.uz/buhoro-halq-sovet-respublikasi>

350 аъзодан иборат бўлган ҳолда Қурултой ҳар йили бир марта чақирилар, унда республика конституциясини қабул қилиш ва унга ўзгартиришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилган. Конституцияга кўра, қурултойлар ўртасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган Бутунбухоро МИК ҳисобланиб, Халқ Нозирлар Шўроси давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган сифатида ўз вазифасини сақлаб қолди. Халқ Нозирлари Шўроси таркибига раис ва халқ нозирлари кирган. Халқ нозирликлари – адлия, ички ишлар, ҳарбий ишлар, маориф, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот, савдо ва саноат, молия, деҳқончилик, давлат назорати таркибида ташкил этилган.²

Янги ташкил этилган миллий Республика намоёндалари ўз олдиларига кўп йиллар мобайнида ҳақ-ҳуқуқсиз яшаб келаётган аҳолининг ижтимоий аҳволини кўтариш, жамиятни ривожлантириш, ёш давлатни тезда оёққа турғизиш ишларини олиб бордилар. Ушбу тадбирлар доирасида Республика ҳудудида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш пировард мақсад сифатида белгилаб олинди. Албатта бу ўринда ҳам Бухоро Халқ Совет Республикасининг прокуратура ходимлари намуна сифатида ислохотларни амалга оширишга киришдилар.

Шунингдек, атоқли давлат арбоби, жадид **Абдурахим Юсуфзоданин**г Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишдаги хизматлари бекиёсдир. Жумладан, А.Юсуфзода 1922 йил 18 августда 3-Бутун Бухоро советлари қурултойида Адлия халқ нозири этиб тайинлангандан сўнг, Адлия нозирлиги ҳақидаги Низомнинг 5-бандига мувофиқ у адлия нозири лавозими билан бир вақтда республиканин**г Прокурори вазифасини ҳам бажарган**. Адлия нозирлигида жами 6 та йўналиш: маъмурий-иқтисодий, судлов, олий суд назорати, қозилик, прокуратура ва васийлик бўлимлари ташкил этилиб, шу даврдан бошлаб, прокурор назоратининг мувофиқлаштириш функцияси амалга киритилиб, Абдурахим Юсуфзодага барча бўлимлар ишини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.³

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, А.Юсуфзода раҳбарлигидаги Бухоро прокуратура органида ТАССР прокуратурасидан фарқли равишда судлов тизимини назорат қилиш функцияси жорий этилган бўлса, прокурор назоратининг мувофиқлаштириш функцияси орқали ушбу органнинг уникал белгилари ёритиб берилган.

Шу билан бирга, Абдурахим Юсуфзода зиммасида республикадаги жазони ўташ муассасалари фаолиятини назорат қилиш, маҳбусларни афв этиш ишларини

² Б.Эшов, «Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи», Тошкент-2012. <https://shosh.uz/buhoro-halq-sovet-respublikasi>

³ “Тарихий хотира бекиёс”.-Тошкент 2024. 59-варақ.

тартибга солиш, нозирлик қошида адлия ходимларини тайёрлаш курсларини ташкил этиш, вояга етмаган меросхўрлар ва эгасиз қолган мулкларни нозирлик ҳимояси тасарруфига олиш ишлари бўлган.

А.Юсуфзода адлия ва прокуратура соҳасини ислоҳ қилишга киришар экан, ўз эътиборини ёш республикадаги қозилик ва судлов органлари фаолиятини тартибга солишга қаратиб, унинг ташаббуси билан қисқа муддатда мусулмон аҳолиси учун Бухоро шаҳрининг учта жойида халқ қозихоналари бунёд этилган.

Асрлар давомида Бухорода судлов ишларини анъанавий қозилик идоралари амалга оширган. БХСР ташкил топгандан сўнг қозилар Адлия халқ нозирлигига бўйсунган ҳолда шариат аҳкомлари асосида иш юритади. А.Юсуфзода мазкур идора ишини янада такомиллаштириш йўлидан борган ҳолда судлов органлари ишини янада демократлаштириш ва суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатда биринчи бор ўзига хос апелляция органи “Таниз маҳкамаси” (“Арз маҳкамаси”) ташкил этилади.⁴ Бу орқали Республика аҳолисининг суд-ҳуқуқ идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, суд ва прокуратура органларини халқ манфаати йўлида хизмат қилиши шартлигини белгилайди.

Бу шўъбада ҳар уч ойда бир марта алоҳида мажлис ўтказилиб, республика ҳудудидаги барча қози ва судьялардан норози аҳолининг иши қайтадан кўриб чиқилган. А.Юсуфзода ҳудудларга қози ва судьяларни тайинлашга жиддий эътибор берган. Улар, асосан, олим, фозил, мутадаийин (динни яхши билувчи), насл-насабли номзодлардан саралаб-олинган. Қозихона ва судларнинг ишини республика қонун-қоидалари билан мувофиқлаштириш учун буйруқ ва низомномалар, махсус дастуруламаллар ишлаб чиқилган. Судлов органлари фаолиятида ич-ки назоратни кучайтириш учун Адлия нозирлиги қошида “Ҳукм назорати” – махсус бўлими ташкил этилган.

“Бухоро ахбори” газетасининг 1922 йил 14 декабрдаги сонида А.Юсуф-зода Бухоро халқига мурожаат этиб, “Ҳукм назорати” шўъбаси 1922 йил 1 декабрдан ўз ишини бошлагани, агар бирор қози ёки судьянинг ишидан ноҳақлик, порахўрлик, ришватхўрлик (судхўрлик) бўйича шикоятлар бўлса, бу ҳақда Адлия нозирлигига ариза билан мурожаат қилишлари мумкинлигини баён этади.⁵ Адлия нозири А.Юсуфзода милиция идораларининг тарихий-меъморий обидалардан ҳибсхона сифатида фойдаланаётганини кескин танқид қилади. Жумладан, Бухородаги Мулла Муҳаммад Шариф мадрасасининг қамоқхонага айлантирилишига қарши ҳукуматга мурожаат қилиб, қамоқхонани бошқа жойга кўчиртиради. Мадраса қайта тикланиб, Бухоро маданият музейига

⁴ “Тарихий хотира бекиёс”, -Тошкент 2024. 61-варақ.

⁵ ЎзМА 64-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 30-варақ.

айлантирилади⁶. А.Юсуфзода қози ва судьялар шаънини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатиб, ҳатто бошқа давлат органлари раҳбарлари билан тўқнашишгача боради. 1923 йил март ойида бўлиб ўтган Бухоро халқ қози ва судьяларининг илк курултойида А.Юсуфзода адлия соҳасидаги долзарб масалалар ҳақида маъруза қилиб, Бухородаги яҳудий, рус, эрони, афғон ва бошқа кам сонли миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, диний ва миллий қадриятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар бири учун алоҳида халқ маҳкамаси тузиш, унинг таркибига кам сонли миллат вакилларининг киритилиши зарурлигини таъкидлайди. Ўша куниёқ БХСР Марказий ижроия қўмитаси А.Юсуфзоданинг бу ғоясини маъқуллаб, икки ой ичида шундай халқ маҳкамаларини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

1923 йил 1 май “Халқаро ишчилар куни” муносабати билан А.Юсуфзода бошчилигидаги Адлия халқ нозирлиги томонидан бутун Бухоро республикасида умумий амнистия эълон қилинади. Оқибатда жамият ва давлат тузумига жиддий зарар етказмаган маҳбуслар озод қилинади. Мазкур ислохотлар Бухоро халқи томонидан бирдай қўллаб-қувватланади. 1923 йилнинг ёзида большевиклар Бухорода “аксилинқилобий ва эксплуататор унсурлардан” тозалаш кампанияси деган баҳона билан Ф.Хўжаев ҳукуматининг энг таниқли ва обрўли вакилларини ҳибсга олади. Хусусан, А.Н.Позднишев А.Юсуфзодани ҳам адлия халқ нозир лавозимидан озод қилиб, бошқа қуйроқ лавозимга қўйиш лозимлигини айтаганлиги сабабли, унинг талаби қаноатлантирилади.

Ушбу атоқли жаид прокурор ҳам бошқа атоқли маърифатпарварлар каби ЎзССР НКВД қошидаги «учлик»нинг 1937 йил 14 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинади.⁷

Адабиётлар:

1. Эшов.Б, «Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи», Тошкент-2012.
2. Алексеенков П.Кокандская автономия.-Ташкент:Узгиз, 1931.
3. Қ.Ражабов, Туркистон Мухторияти – ҳукумат кимлардан иборат эди? <https://oyina.uz>
4. Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. –Тошкент. Академия, 2002.
7. ЎзР ПАА, 58-фонд, 65-рўйхат, 219-иш.
9. “Тарихий хотира бекиёс”.-Тошкент 2024.

⁶ ЎзМА 64-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 22-варақ.

⁷ “Тарихий хотира бекиёс”.-Тошкент 2024. 62-64-варақлар.